



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM
VAZIRLIGI**

ANDIJON DAVLAT UNIVERSITETI

**XORIJIY TILLAR FAKULTETI NEMIS TILI VA ADABIYOTI
KAFEDRASI**

KURS ISHI

Mavzu : *Chet tili darslarida video materiallardan foydalanish*

Bajardi : Xusanova M.

Tekshirdi : Isroilova N.

ANDIJON 2013

Чет тили дарсларида видео материаллардан фойдаланиш
методлари

Р Е Ж А :

I. Кири. Мавзунинг долзарблиги. Ўқитишнинг техник
воситалари таснифи

II. Асосий қисм. 1. Ўқитишнинг асосий воситалари
2. Ўқитишнинг ёрдамчи воситалари
3. Визуаллаштиришнинг аҳамияти ва унинг
жамланган воситалари

III. Хулоса

IV. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ўз маърузаларида биз танлаган тараққиёт йўлининг таркибий қисмига, аниқроқ айтадиган бўлсак, келажагимизнинг мустахкам пойдеворига айланб бораётгани таълим соҳасидаги буюк дастуриimizни ўз вақтида узоқни кўлаб ишлаб чиқилганини ва амалга оширилганини нақадар тўғри бўланглигини бугун мамлакатимиз эришган юксак марра ва натижалар яққол намоён этмоқда деб таъкидладилар.

Маърифатга интилиш халқимизнинг азалий фазилатларидан биридир. Баркамол авлод тарбиялаш инсониятнинг энг ёрқин орзуси бўлиб келган.

Хозирги мустақиллик, миллий қадриятларимизнинг тикланиш даври сўзловчидан тилни айниқса, Давлатимиз жаҳонга юз тутаётган бир паллада хорижий тилларни чуқур эгаллашини, фикрни ихчам, асосли ва тушунарли тарзда ифодалашини тақазо этади.

Ўқитишнинг асосий воситалари. Кўхна замонлардаёқ ота-боболаримиз фарзандларини ҳисобга ўргатиш чоғида рангли тошлар, хайвон суяклари каби нарсалардан фойдаланишгани инсоният тарихидан маълум. Қадимги ҳисоб ўрганиш воситаларидан тартиб то ўқитишнинг техника воситалари ихтиро қилингунга қадар (XX асрнинг бошида грампластика чиқарилган) минг йилликлар давомида одам боласи таълим олди, ўрганди, тарбияланди.

XX аср техника инқилоби замони дейиладию чет тилларининг ўрганишда ҳам товуш ёзиш асбоблари (фонограф) дан фойдаланиш даври бошланади. Асрнинг ўқув-тарбия жараёнини техникалаштириш билан тарихий аҳамиятга тулиқ. Чет тилини ўқитиш воситалари ўқув-тарбия жараёнининг ташкил этиш манфаати йўлида ишлатиладиган барча ўқув қуролларини ўз ичига олади.

Хар бир фаолият юритувчида иш қуроли бўлганидек масалан, дехқонни қуроли кетмон, ўрок бўлгани каби адибнинг

қуроли қоғоз ва қаламдир. Ўқувчи ва муаллим ҳам тегишли ўқув қуроллари бўлиши ўқитиш воситалари билан таъминланади.

Қалам, ручка, дафтар, ўқиғич, жазвал кабилар аксарият ўқув предметларига таълуқли бўлганлигидек, чет тили ўқув қуроллари таснифига киритилмайди.

Фаншуносликдаги нарса ва ходисаларга системани спруктурали ёндашиш нуқтаи назаридан чет тили ўқитиш уч таркибли таълимий тушунчадир.

Муаллим ўқитишнинг ташкилотчиси ўқитиш воситалари ўқувчи-таълим олувчи.

Мазкур дидактик назарияга биноан ўқув воситалари муаллим ва ўқувчи бўлиб унда ўқув жараёни ўз ижросини топади.

Чет тили муаллими ўқувчиларга таълим бериш чоғида ўқув воситаларини жўяли қуллаш йўл-йўриқларини чуқур билимлари талаб этилади. Шунинг учун ҳам ўқитиш воситаларининг таълимий таснифига эҳтиёж сезилади.

Чет тили ўқитиш мақсадларининг рўёбга чиқаришида фойдаланадиган воситаларининг методик таснифи қуйидагича:

1. Бажарадиган вазифасига кўра асосий ва қўшимча ёрдамчи ўқув-қуроллари турлари.
2. Кимга мулжанлааганлигига қараб, муаллим ёки, ўқувчилар қўллайдиган ўқув қуроллари.
3. Ахборот қиладиган йўл (анализатар) ша нисбатан эшитиш, кўриш, эшитиб-кўриш номларидаги:
4. техника иштирокини ҳисобга олиб анъанавий (нотехник) ва замонавий (техник) аталмиш техник қуроллари.
5. Ишлаб чиқаришни нуқтаи назаридан оммавий ва маҳаллий ўқув қуроллари мавжуд.

Илмий манбаларда номлари келтириладиган дастур, дарслик ўқувчи китоби ва муаллим китоби ўқиш китоби, киритилади. Ўқув методик комплектнинг таркибидаги бошқа воситалар ёрдамчи ҳисобланади. Ўқитиш воситаларининг бундай шарти бўлиши мактаб ҳаётида ўзини унчалик окламайди. Айрим

муорифчилар қўшимча воситаларни қўллаш мажбурий эмас, деган фикрга борадилар. Ундан ташқари ўзбек мактаблари учун қўшимча воситалар мажмуаси hozirча ишлаб чиқилмаганлигига ҳам шу бахона бўлса керак. Бинобарин, барча зарурий ўқув қўлланмаларини асосий ва ёрдамчи номлари билан юритилиши маъқулланди.

Муаллим ва ўқувчиларга мўлжалланган воситалар юзасидан ўам методик мунозарага чек қўйилмаган.

Чунки, бевосита муаллимда бўладиган ўқув дастури ва муаллим китоби билвосита ўқувчиларни назарда тутди.

Ёки тил ўрганувчиларга бевосита бериладиган ўқувчи китоби, ўқиш китоби, мактаб луғати ўқитувчи томонидан хар доим хисобга олинади. Муаллим ихтиёрида турадиган, ўқувчи дарсда ва синфдан ташқари машғулотларда қўллайдиган воситалар товуш ёзув, расмлар, диафилм, диапозитив, кинолавха кабилар муаллим ёки ўқувчи номи билан бир томонлама боғланмайди, чунки улар ўқувчи учун мўлжалланиб, ўқитувчи ихтиёри билан ишлатилади.

Тезник воситалар иштирокидан келиб чиққан номлардаги эшитиш, кўриш ва эшитиб кўриш воситалари анъанавий ўқув қуроллари ичига киради.

Демак булар, асосий қурооллар доирасидан ташқаридадир, техникавий ва нотехникавийларнинг тобе тушучаларидир.

Техникавий ва нотехникавий турлар ичиад хамма ўқув воситалари санаб ўтилади. Буларда анамизаторлар ишини назарда тутуачилар хам асосий ва ёрдамчи восита хисобланишлари хам учрайди. Муаллимга мўлжалланган воситалар бундан мустасно.

Оммавий ўқув қурооллари деганда босмохона ёки завод, фабрикада таёрланадиган, оммавий миқёсида тақсимланадиган асосий ва ёрдамчи воситалар тушунилади.

“Махаллий” атамаси эса, мактабда ёки туман, шахар худудида ишлаб чиқилган, жумладан ўқувчи, муаллим кучи билан

ясама курулларга тегишлидир, масалан, ясама яъни қўлбола таёрланган жадвал, расм, ўйинчоқ кабилар.

Хулоса шуки, чет тили ўқитиш воситалари қондаси тартибда тасдиқланади: асосий ва ёрдамчи ўқув куруллари, улар таркибига техникавий, замонавий ва нотехникавий, тарихий ёки анъанавий ва буларнинг иккаласига ҳам эшитиш ва эшитиб-қўриш ўқитишнинг воситалари мавжуд.

Эшитиш куриш ва эшитиб-қўриш воситалари ўз навбатида янада кичик тоифаларда булинади.

Чет тили ўқитиш методикаси масалаларига бағишланган дарслик ва қулланмадан тартиб, то илмий масалалар, методик хат ишқоқма ва тавсия кабиларгача чоп этиладиган материаллар методик адабиёт дейилади. Муаллимга мулжанланадиган бунрой методик манбалар ўқув воситаларини хисобга олган ҳамда таёрланади.

Ўқитиш воситалари таркибига киритиладиган хар бир турини қуйдаги “Асосий ва ёрдамчи воситалар” мавзуларида мухтасар таъриф-тавсифи билан ёритилади.

Айтилган мулохазаларга қўшимча қилиб шуларни таъкидлаш керакки ўқитиш воситалари биринчи ўқув йилидан охириги йилгача бир меъёрга қулланади. Уларнинг айримлари купроқ, томонлари сийракроқ ишлатилади.

Дастур муаллим учун тўлиқ курс давомида ўзувчи китоби хар бир синф учун муаллим китоби ҳам синифлар бўйича қўлланади.

Асосий ўқиш, китоби луғат биринчи ва иккинчи йулда зарур эмас.

Расмлар албоми, осма расимлар ва дидактик тарқатма материал кабилар бошланғич босқич учун айниқса йўл келади.

Чет тилида газеталар маълумотнома қўшимча ўқиш китоблари юқори синфларда қулланади.

Дарс боскичига қараб, ўқитиш воситалари фарқланади. Тарқатма материал ўқув бирликларини такрорлаш ва мустахкамлашга, фланелеграф эса сўзларининг маъносининг

ечишга, маълумотномалар граматик ходисаларни такрорлашга мўлжалланади.

Ўқитишнинг ёрдамчи воситалари.

Ёрдамчи воситалар, юқорида таъкитланганидек, техникавий ва нотехникавий тоифаланади. Техникавий воситаларни ўз навбатида учга бўлиш мумкин: фўнограммалар, фотограммалар ва видеофонограммалар.

Фўнограммаларга грампластика ва магнит тасмасига ёзилган жонли нутқ кирази.

Видеограмма фотограммаларда слайдлар диафилмлар овозсиз кинофилмлар ва кодопозитивлар бўлади. Видеофонограмма эса овозли кинофилмлар, видео ёзув ёки фонограммалар билан видеограмма бириктирилган ёзувларни назарда тутди.

Шу кунгача таълимда тахника воситаларидан оммавий тус олгани фўнограммадир.

Фўнограмма ёрдамида дарсда чет тили мухити яратилади. Ўқув жараёни кўргазмали кечади. Ҳар бир ўқувчи ўз қобилиятига араша машқлар бажаради. Товуш ёзиш аппаратлари ёрдамида эшитиш сезгиси, анализатори ўқув ахбороти етказилади.

Ўрганилаётган ўқув материаллини проекцион аппарат ёрдамида кўрув сезгиси, анализатори орқали кўрасатилиши фотограмма ёрдамида амалга оширилади. Кўрув ва эшитиш сезгиси анализатори орқали товуш – ёруғлик техникаси ёрдамида ахборот бир пайтнинг ўзида видеофонограммадан фойдаланиб кўрсатилади ва тинглашга қўилади.

Киевлик мархум методик профессор М.В. Леховицкий фономатериалдан фойдаланишнинг олти та махсус принципларини пухта татқиқ этган.

1. Овозли нутқни олдин тинглаш принципи чет тили ўрганиш тинглаб тушунишдан бошланади.

2. Кўп марта такрорлаш принципи (товуш ёзуви такроран тингланиши мумкин).

3. Нутқ оқими бўлиниши ва тўтаб олиш принципи, нутқ парчаларга ажратилиши ва паузада ўзувчи машқ бажарилиши мумкин:

4. Нутқ намунасига тақлид қилиш принципи:

5. Қиёслаш, ўзини назорат этиш тўғрилаш принципи:

6. Нутқ фаолиятини бошқариш принципи.

Фонограмма турлари (иккита нутқ) якка нутқ ва жуфт нутқни ривожлантиришда қўлланади. М.В. Лиховицкий фонограмманинг саккиз турини санаб ўтади. Улар хақида таълимнинг техника воситалари бўйича назарий ва амалий машғулотларда маълумот берилган.

Фонограмманинг биринча тури, айниқча бошланғич босқичда зарурдир. Тинглаб тушунишни ўргатишда аввал сўлар, сўз бирикмалари, жумлалар эшитишга қўйилади. Иккинчи турида боғланма нутқ эшитилади. Учинчи турида чет тилидан жуфт нутқ тингланади. Соддароқ диалоглар бажарилади.

Тўртинчи турида “Табиий” диалог тингланади.

Нутқ тезлиги оширилади. Иккинчи ва учинчи ўқув йилларида бу иш жадал бошланади.

Бешинчи тури грамматик материални ўрганишда кўпроқ қўл келиб товуш ёзувига тақлид қилиш воситасида ўзлаштирилади.

Олтинчи турида гапйтиш машқ қилинади. Хикоя қилиш ёки матн мазмунини сўзлаб бериш чоғида ўзлаштириш даражаси назорат қилиб борилади.

Еттинчи турида жуфт нутқ кўникма ва малакаларини шакллантиришга эътибор берилади.

Дикторлар суҳбатига (жуфт нутқга) тақлиддан машқ ўтказилади. Саккизинчи тури соф нутқ малакаларини эгаллаш мақсабдида бажарилади.

“Табиий” нутқ одатдаги тезликда эгалланади. Ушбу жуфт нутқ ўзгача нутқий вазиятларда хали машқ қилинади.

Қайд этилган саккизта фонограмма муайян шароити синфларда ҳам қўлланиши мумкин. Фонограммалар талафуз фономашқи, грамматик фономашқ ва машқ фономашқ тарзида

ўқувчилар гуруҳи билан ёки алоҳида-алоҳида бажарилиши мумкин.

Фонограммалар талаффуз фономашқ Фанограммалар талаффуз фономашқи, грамматик фономашқ ва машқ фономашқ тарзида ўқувчилар гуруҳи билан ёки алоҳида-алоҳида бажарилиши мумкин. Ёрдамчи ўқув воситалари орасида нотехникавий турлари ҳам мавжуд. Улар аудиовизуа анъанавий воситалар дейилади.

Расимли қўлланма тўплами (албомлар) да нарса мавзуга оид ва сюжетли тасвирлар тўпланади.

Улардан тил тил материалининг тақдимоти босқичидан то нутқ малакаларини назорат қилишгача фойдаланиш мумкин. Улар нутқ фаолиятини вазиятини яратишда ёрдам беради. Чоп этилган ҳамда ўқувчилар ўзлари чиқарган расмлар ҳам тавсия этилади.

Флонемграф (магнит тахтаси) учун апликасион (ёпиштириладиган) материалдан муаллимлар ёппасига фойдаланилади. Унинг ахамияти айниқса дастлабки босқичда бекиёсдир. Тарқатма материал. Расимлар ва картинкаларни ўқувчилар орасида тарқатиб, муаллим турли ўқув – методик вазифаларни бажаради. Тил материалини мустахкамлаш, нутқ куникма ва малакаларини ўстириш таркатма материал муҳим ўрин эгаллайди.

Флонемелеграф (магнит тахтаси) учун аппликацион (ёпиштириладиган) материалдан муаллимлар ёппасига фойдаланишади.

Чет тили ўқишда самарадор воситалардан диофилмлар кинофилмлар мактабда амаллашган. Улар билан марказлаштирилган ҳолда таъминланади ёки жойларда ясама (махаллий) ўқув қуролларидан ҳам фойдаланишади. Олий ўқув юртларида ва мактабларда техника воситаларидан фойдаланиши соҳасида муаллимлар талай тажрибалар туплашган

Ўқитиш воситалари сақланадиган ва қўлланадиган чет тили хонасидир. Чет тили хонасида дарс ўтилади мустақил ишлар бажарилади.

Аудиовизуал воситалардан унумли фойдаланиш бир катор авзалликларга эга, биринчидан таълим жараёнини жадаллаштиради, иккинчидан ўқув материални ўзлаштириш самарасини оширади, учинчидан муаллимнинг таълим жараёнини бошқаришни осонлаштиради.

Визуаллаштиришнинг ахамияти ва унинг жамланган воситалари. Инсон атрофидан оламни ўзининг бешта сезги аъзолари яъни, кўз, қулоқлар, хид ва таъм билиш, папаслаш, ушлаб кўриш орқали идрок қилади. Маълумотлари идрок қилишда ҳаммадан ҳам кўлар асосий рол ўйнайди.

Агар инсон бу сезги аъзосига бошқа эга бўлмай қолса, у идрок қилиш имкониятидан анча чекланишини текшириш осон. Бундан кўринадики одамлар ўртасидаги мулоқот ва асосан ўқишни ташкил этишда бунинг эътиборга олиш зарур.

Маълумот ёки ўқув материали доимо шундай тақдим этилиши керак, у визуал идрок қилиш қобилиятини осонлаштиради, бу кўз билан доимов ниманидир кўрсатиши кераклигини билдиради.

Визуаллаштириш деб, биз маълумот ва ўқув мазмунини кўпинча кўргазмалар воситалари ёрдамида кўрсатишни тушунамиз.

Визуаллаштириш усул бўлгани каби кўрсатмалар тасаввур воситаси ҳам ҳисобланади. Кўрсатмалар тасаввурнинг бошқа имкониятлари: модел тақдими, бирор жараён намойиши предметлар билан ҳаракатли муносабатлар, экспериментлар.

Қадимги мақолда айтилганидек: 1000 та сўздан кўра битта – битта сўраш кўп билдиради: Бугунги кунгача ҳам бу ҳолат ҳеч ўзгаргани йўқ.

Кўрсатмалилик, тушунарлилик ва мисол – намуналардан фойдаланиш каби дидактик принциплар бу иборага жавоб беради, чунки бу усулларнинг моҳияти шуки, ўқитувчи билимларни ўқувчиларга кўргазмадилар ва имкон қадар реал ҳаётга қаратилиши лозим.

Визуалнинг қулайликлари, унинг қамчиликларига айланиши ҳам мумкин, масалан визуаллаштириш ҳаддан ташқари ҳаракат

қилса, унда мазмун эмас балки, томоша биринчи ўринга туриб қолади.

Визуаллаштириш воситалари фойдаланишни визуаллаштиришнинг энг асосий шартидир. Чунки бу воситалар маълумотни етказиб беради ёки ўзи бу маълумотни беради.

Визуаллаштиришнинг ўрганиш даражасига жуда катта таъсир кўрсатади, чунки, нафақат идрок қилиш қобилияти, балки, эсда сақлаб қолиш қобилияти ҳам анча яхшиланади, агар эшитиш билан кўриш имконияти бирлаштирилса.

Тадқиқот бўлимида аниқланган қуйидаги натижалар визуаллаштириш воситалари дарс пайтида ишлатилганлигининг ахамиятини яққол кўрсатади:

Масалан: табиатшунослик дарсида “Уй хайвонлари” туғрисидаги мавзунини ўқишда ўқувчиларнинг тўртта турли гуруҳи ташкил қилинди.

Биринчи гуруҳ матнни фақат радиокарнай орқали оғзаки равишда олди. (фақат сўзлар)

Иккинчи гуруҳ биринчи гуруҳдаги шундай маълумотлар билан бир қаторда, аслига тенг катталиқдаги микдорда хайвонларнинг суратларини ҳам олдилар (сўзли сурат)

Учинчи гуруҳга маълумотлар радиокарнай орқали берилиши билан бир қаторда, хайвоннинг суратларини берилди. (сўзлик сурат)

Тўртинчи гуруҳ радиокарнай орқали берилган маълумотлар кузатиб бердилар (сўз тирик мавжудод)

Тўрт кундан кейин ўтказилган сақланиб қолган маълумотлар микдорини аниқлаш учун сўров шунини кўрсатдики, фақат сўзлик маълумот олган биринчи гуруҳга (уни “х” деб оламиз) таққослаганда қолган гуруҳлар қуйидаги фоизли ўсишга эга бўлдилар.

- 2 чи гуруҳ “сўз + сурат” х 9.5%
- 3 чи гуруҳ “сўз + тулим” х 20.00%
- 4 чи гуруҳ “сўз + тирик мавжудод” х 40.70%

Бундан кўринадики, маълумотни сақлаш натижасига воситаларнинг тури катта таъсир кўрсатади.

Бу қалам воситаларнинг мавжумлик даражасидан келиб чиқади. Бу даража реалликка яқинлиги асосида аниқлагнади.

Визуаллаштиш эксперимент орқали энг юкори натижаларга эришади хозирги глобаллашув ва инновацион технологиялар даврида ўқитишнинг махсус ашёвий (предметли) ва тасвирий – визуал воситалари билан шугулланиш давр таказосидир.

Чунки бу шундай воситаларни, ўқитувчи ёки инструктар асосан уларни қўллайди ва уларни қисман ўзи ишлаб чиқиши мумкин. Улар ўқитиш вазиятида доимо марказий ўринни эгаллайди.

Танланган ашёвий (предметни) воситаларни қўллаш.

Ашёвий воситалар бед биз шундай воситаларни тушунамизми, улар сурат ва матнларни ўзига олишга ва сақлашга имкон беради. Масалан

- Бўр билан ёзиладиган доска, флинчатлар, пиквендлар, плокатлар, фламастр билан ёзиладиган оқ доска.
- Проектор экранлари, проекторлар

Бўр доска

Бўр доска энг қадимги, арзон ва бошқаларга нисбатан кўпроқ ишлатиладиган восита хисобланса керак. Мана кўп йиллардирки у назарий ва амалий дарсларда кўп ишлатиладиган теккис тузилма хисобланад. Бугунги телевизорлар ва компьютерлар дунёсида доска синфдаги энг ишончли ва кўпроқ қўлланиладиган ўқув воситасидир.

Доскада яхши режалаштирилган ва ўтказилган иш катта тажрибани талаб қилади. Хозирги кунда “бўр доскаларнинг ўрнини” “оқ доскалар” эгалламоқда. Бу доскаларнинг хусусиятлари бўр бўр доскалари билан ўхшаш, аммо бу оқ доскага махсус фломастерлар билан ёзилади.

Флипчарт.

Флипчарт доскага жуда ўхшашлигига қарамасдан ўқитувчи кўпинча билмайдиган кўпгина фарулар мавжуд. Флипчартнинг

энг асосий қулайлиги бу матнни ўчирмасдан ёзиб кетавериш имконияти, яъни жой етишмаслигидан ёзилганларни ўчиришга нажот йўқ фақат етарлича қоғоз бўлса бўлди.

Шундай қилиб барча бахс-мунозарани сақлаш мумкин, хато бир неча хафталик танаффусдан сўнг бу қоғоўни яна осиб қўйиш ва мунозарани давом эттириш мумкин. Флипчартнинг бошқа бебахо қулайлиги синфдаги девор ёки доска “Бирин кетин” хамма варақларини деворларга ёки синфдаги доскага ёпиштириш имкониятини хисобланади.

Бутун гуруҳ шунинг натижаларини бир пайтда кўриш, таққослаш ва сақлаб қолишнинг бунга тенг бошқа имконияти йўқ.

Пинванд

Бу восита асосан йиғилишларда муҳим ўрин эгалайди, чунки бу восита ёрдамида қарорлар муаммоларни ишлаб чиқиш ва гуруҳий бахс-мунозараларни бошқариш яъни модерацияларни визуаллаштириши мумкин.

Қоидага кўра, пинванд устига ўраш қоғози тортилади, ва қўшимча керакли материал сифатида турли ранг ва чшаклдаги карточкалар бўлишини талаб қилади. Улар пинвандга йиналар билан маҳкамланади. Ишни тугатгандан сўнг карточкаларни ўраш қоғозига ёпиштириш ва уларни навбатдаги тадбирлар учун қўллаши мумкин.

Карточкалар махсус рангба ранг фломастерлар билан бўйлади. Бу восита ёрдамида қайсидир мавзуни визуаллаштириш учун қўлланиладиган плакатлар таёрлаш мумкин.

Проектор

Проекция учун проектор, проекция учун сатх, шунингдек плёнка – слайдлар керак. Бу проекция инструктор учун энг юқори даражадаги тақдимот имкониятини беради. Ўқув жараёнини бу узлуксиз – тасаввур қилиш мумкин эмас. Асосий қулайлиги шундаки, слайдларни компьютерда ёки, шунингдек, қўлда профессионал даражада тайёрлаш мумкин. Улардан исталган вақтда фойдаланиш ва иш ўрни ўзгарганида осон кўчириш мумкин. Яна бир қулайлиги – ўқиш жойидан қатъий назар уларни ишлаб чиқиш мумкин. Аммо бу борада асбобнинг фақат сифати эмас (ёруғлик кучи) балки ишлаб чиқилган слайдларнинг сифати ҳам муҳимдир.

Проектор билан ишлашнинг қўйидаги қулайликлари бор.

- унда ишлатиладиган слайдларни ҳамма жойда тайёрланиши мумкин (уйда, иш жойида ...)
- слайдларни қўлда қандай тайёрлаш мумкин бўлса, фотонусха ва компьютер ёрдамида ҳам шундай тайёрлаш мумкин.
- улар катта гуруҳга кўринарли тақдимотнинг турли усулларида осон фойдаланиш мумкин, масалан; “бирма – бир ёпиш ва ишлаб чиқиш усуллари”
- бир марта тайёрлаб, улардан бир неча бор фойдаланиш мумкин.
- рангли тасвири тушуниш осон
- ўқитувчи ўрганувчилар билан “кўз алоқаси”ни доимо сақлаб туриш мумкин.
- катта – катта комплекс ғояларни оддий слайдлар ёрдамида намоёни қилиш мумкин.

Бундай слайдларни компьютернинг принтеридан ҳам чиқариш мумкин: бунда каттайтириш ва кичрайтириш имконини беради.

Компьютер

Агар компьютер мавжуд бўлса, у холда ўқув ва дидактик материалларни деярли профессионал даражада ишлаб чиқилиши мумкин.

Матнни тайёрлаб бўлгач, уни матнни қайта ишловчи дастур, мисол учун Word for Windows дастури орқали компьютерга киритиш мумкин. Графикларнинг кириш учун эса Power Point for Windows график дастуридан фойдаланилади.

Ҳар иккала дастурлар бирга матн ва графика ёрдам беради. Матнли иш варақлари билан бирга иллюстрациялар, графиклар ва фотосуратлар ҳам керак бўлади. Уларни бошқа манбалардан фотонусха олиш орқали ёки “скарпеп” усуш ёрдамида компьютерга киритиш мумкин. Бундан ташқари ҳозирги кунда компьютер билла, электрон доска, магнитофон, компакт дисклар, DvD каби техник воситалари дарс ўтишнинг энг илғор техникалари бўлиб, иновацион технологиялар билан дарс ўтишга жуда кўп келмоқда.

Ҳозирги кунда бирор фанни муваффакият билан ўрганишда интернет хақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш муҳим аҳамият касб этади.

Интернет – оммавий ахборотнинг диверсиал воситаси, унинг очик ва чексизлиги, глобал халқаро оммавий камуникасия воситаси қифатидаги таърифи, исурналистларнинг виртуал тармоқда ишлаш шакл ва усуллари, интернет ҳамжамиятининг авзалликлари ва тахдидлари жихатлари

Юкори технологияларнинг кучли ривожланиши натижасида оммавий ахборот воситалари ёрдамида ахборот-психологик уруши олиб бориш имконияти кескин ошди. Бугунги кунда хар бир оммавий ахборот воситалари тури кенг аудиторияга булган таъсири кучайтирмакда: телвидения, тасвир, овоз ва мантикий-образли баён даврий матбуот мантикий-оброзни матн ва қисман тасвир(расмлар ва сарлавхалар безатилиш) ёрдамида. Интернетнинг ривожланиши натижасида он-лайн журналистикаси пайдо бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Немс тилини ўқитишда ҳам техника воситаларидан фойдаланиш фаол ривожланмоқда. Фон ва техниканинг бундай тараққиёти чет тили ўқитиш методикасини бойитишга ҳам, чет тили кабинетларининг жихозланишига ҳам ижобий таъсир этади.

Хозирги вақтда диофилм, диопозит, эпидмаскоп, фильмоскоп, магнитофон, радио, кино ҳамда телвидения электр точкали доскалар ва бошқа техника воситалари чет тили ўқитувчиларининг жуда яқин ёрдамчиси бўлиб қолди.

Диандивит ва диафилмлардан методик луғат тузиш оғзаки хикоя қилиш, айрим расмлар бўйича суҳбат ва грамматик машқлар ўтказиш, ёзма баён ва иншо каби шуларда фойдаланиш мумкин.

Булар ўқувчиларни ва логик тафаккурини, мустақил ишлаш қобилитини ошириш учун хизмат қилади.

Филмлар айниқса ўқувчиларнинг нутқ фаолиятини активлаштиришда жуда қулай восита ҳисобланади. Практик машғулотларда чет тили ўқитувчилари қисқа матраксли (экранлаштиримоқ адабий асар) бадий фильмларни илмий оммабот фильмларни, очерк-филмлар эртақлар асосида фильмларни намоиш қилиш орқали ўқувчиларнинг билим ва малакаларини ўстириш учун катта имкониятлар яратадилар, ўқувчиларнинг фикрлаш ва нутқ малакаларининг ўстириш учун чет тили эшиттириш ва немфилмлар айниқса кўп материал беради.

Теле эшиттиришлар тили ўрганиялаётган мамлакат ва ўз мамлакатимиз орасидаги алоқани янада яхшироқ очишга имкон беради. Радио ёки магнитофон эшиттириш ўқувчилар нутқини такоммиллаштириш энг яхши воситадир. Ифодали нутқ намуналарини магнитофон орқали бир неча бор эшиттириш, мумкин.

Бу эса ўқувчиларнинг эшитиш ва қайта эслаш малакасини яхшилади. Магнитофонда ўтилганларни такрорлаш ёки турли ёзма ишлар ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин. Бу ишлар

натижасида, биринчидан, ўқитувчи ўз ўқувчиларини техника воситалари билан ишлашга ўргатади, иккинчидан ўзининг иши енгиллайди.

Таълимнинг педагогик тизимларини ривожланиш тенденцияси, дунёда шундай таълим тизими юзага келинган бўлиб, уни кўпчилик «қўллаб турувчи, таъминловчи, ёрдамчи ўқиш» деб атайдилар. У одамни кундалик муаммоларини ҳал этишга тайёрлашга асосланган бўлиб, шахснинг фаолиятини ва ҳатти тарзини қўллаб туриш учун мулжалланган.

Айни вақтда “инноватсион” (янгилик киритиш) таъминлашини ташкил этишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ушбу таълимнинг қуйдаги ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

1. бу олдиндан кўра билиш, яъни ўқувчининг аввалги ва ҳозирги тажрибаси асосида ўқитиш эмас балки уни узоқ келажакни мўлжаллашга ўргатишдан иборат бўлиб, ўқувчи ижтимоий ҳати ва касбий фаолиятдан таҳмин қилиши кўзлаш, моделлаштириш ва лойиҳалаштиришни амалга ошириши зарур.
2. Ўқувчининг ҳамкорлигида таълим олиши ва муҳим қарорларни қабул қилиш (лоқал ва хусусиятдан тортиб дунёни маданият, цивилизация ривожланишининг ҳимобга олишдан глобал муаммоларни ҳал этиш) да фаол иштирок этишини таъминлаш.

Йиллар ўтиб маъсофавий таълим (лотинча дистантсия-масофа) – масофадан туриб ўқитиш кенг ривожланмоқда. Масофавий ўқитишга таълим технологияси бўлиб, унга кўра ўқувчи қайерда ва қандай ҳолатда бўлишидан қатъий назар муайян таълим муассасаси таълим дастурини ўрганиш имкониятига эга бўлади. Бу мақсадни амалга оширишда замонавий ахборот технологиялари: дарсликлар ва бошқа босма нашрлар, ўрганилаётган материални компьютер телекоммуникациялари орқали узатиш, видеотасмалар, мунозаралар ва семинарлар ўтказиш, регионал ва миллий

телвидения хамда радио орқали ўқув дастурларининг намоиш кабелли телвидения ва овозли пўчта, икки томонлама видеоконференциялар, телефон орқали қайта алоқа билан бир томонлама видюотрансия ва бошқаларнинг хизматига таянилади. Масофали ўқитиш ўқитувчиларга вақтини тежашда қулайлик яратади, асосий фаолиятидан ажралмаган, жумладан узок раёнларда яшовчиларга ўқиш имконини яратади, ўқув фанлари эркин танланади, фан, таълим ва маданият машхур намоёндалари билан муносабатлар имконини беради. Ўқувчи ва ўқитувчиларнинг фаол ўзаро муносабатлари, мустақил ишлашни фаоллаштириш ва ўқувчиларнинг мустақил билим олиш эҳтиёжларини қониқтиришга хизмат қилади.

Кейинги вақтларда умумтаълим мақсадларида ҳозирги замон техникаси (магнитофон, кинопроекторлар ва хоказо) тобора кўп қўлланилмоқда. Аудиовизуал воситалардан кенг фойдаланиш ўқувчиларнинг чет тилини ўрганиш соҳасида олиб борадиган ишларини ташкил қилишга таъсир қилмай қолмайди. Кўп мактабларда электрон-акустикали ва оптикапроекцияли аппаратлар хамда замонавий компьютерлар билан жиҳозланган чет тили кабинетлари ташкил қилинди. Бундай кабинетларни жиҳозлаш йуллар ишлаб чиқилган. Кабинетларнинг жиҳозига магнитофон иккита, электро-аудио-видео аппаратлар, стол устига хам компьютерлар ўрнатилган ёки глобной телефонлар билан бирга мантаж қилинган дисклар ва бошқариш пулти қиради.

Бундай аппаратуралар билан В. М. ғўғўғ ўтказган экспериментал текширишларнинг кўрсатишича 24 ўқувчи билан коллектив бўлиб ёки индивидуал равишда ишлашни ва уларнинг ҳар бирини назорат қилиш нотаъминлайди.

Қайта алоқа бўлганлиги учун ўқувчилар нутқини ёзиб олиш мумкин. Мактабларда бундай кабинетларнинг яратилиши машғулотларни уюштиришни анча узгартиради.

Аппаратлар бўлмаса, маълумки ишларнинг уч турини: индивидуал фронтал ва исуфт турини ўтказиш мумкин.

Хозирги замон аппаратурасининг қўлланиши ўқувчиларнинг кўпроқ мустақил ишлашини таъминлайди, индивидуал ишлашнинг салмоғини оширади. Шу билан бирга ҳар бир ўқувчини истаган вақтда назорат қилишга эришиш мумкин.

Шундай қилиб, ҳар бир ўқувчининг актив нутқ фаолиятини кучайтириши учун реал имконияти ортади. Бу ўз навбатида, бир томондан, кўрсатиш, иккинчи томондан, машқ каби шу усуллариани анча кўп даражада боғлаш имкониятини беради.

Электрон акустик аппаратнинг бўлмаслиги ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятини, уларни нутқни эгаллашдаги ўсишини етарли даражада ҳисобга олмаслигини имконини бермас эди. Хозирги замон техникаси воситалари, ўқувчиларнинг кўпчилиги оддироқ машқларни бажараётган бир пайтда, айрим ўқувчиларга қўшимча анча мураккаброқ машқларни топшириш имконини беради. Шу муносабат билан чет тилларни ўқитиш методикаси соҳасида қалок ўқувчилар учун ҳам, илғор ўқувчилар учун ҳам қўшимча топшириқ ва машқлар ишлаб чиқиш вазифаси туради.

Мактабларда ҳозирги замон техникаси воситаси билан жиҳозланган кабинетларнинг бўлиши мактабда машғулотларнинг янги фўрмаси лабаратўрия машғулотларининг ўтказиш кераклиги ҳақида масала кўтаришга имкон беради.

Бу масалани бирмунча батафсилроқ кўриб чиқишимиз мумкин. Маълумки, дастлабки куникмаларнинг ва айниқса муайям тил материалидан фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилиш учун ўқувчилардан қатор машқларни мустақил равишда бажариши талаб қилинади. Техника бўлмаса, бундай машқларни мустақил равишда фақат нутқнинг ёзув

фўрмасига нисбатан бажариш мумкин. Бир неча оғзаки машқни бажариш учун нутқни эшитиш зарур. Электроакустик аппаратнинг мавжуд бўлиши оғзаки машқларни синфдаги машғулотлардан ташқари вақтларда ҳам бажариш имконини беради.

Куни узайтирилган группалар ва синфларни ташкил қилиш бу процесга ёрдам беради. Шундай қилиб мактабда ҳозирги замон техникасининг тадбиқ қилина бориши муносабати билан чет тилларини ўқитиш методикаси соҳасида ўқувчиларнинг кабинетда мустақил равишда бажара оладиган лаборатория топшириқларини ишлаб чиқиш вазифаси туради. Шу билан барча дарслар системасининг мазмуни ҳам ўзгаради. Кабинетда ўқувчилар томонидан топшириқларнинг мустақил бажарилиши камбинациялаштирилган нутқ дарсларининг ўсишига олиб келишидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Саидалиев С: чет тили ўқитиш методикасидан очерклар № 2004
2. Жамол Ж: Чет тили ўқитиш методикаси 1996 Тошкент ўқитувчилар наширёти.
3. Зарипова Р: Чет тил ўқитиш методикасидан қўлланма Тошкент ўқитувчи наширёти 1996.
4. Жамол Ж: педагогика институтлари дастури чет тили (молисон иxtисослашганлар учун) Тошкент 1994.
5. Ўрта мактабларда чет тили ўқитишнинг умумий методикаси Минорулов ва Рахмонов И. Тошкент уқитувчи наш. 1974.
6. Ўзбекистон Республикаси таълим тугрисидаги Конун 1997 24 август.
7. Олий таълим меёрий хужжатлар туплами.
8. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тугрисидаги Конун 1997 29 август.
9. Чет тил уқитиш методикаси Жамол Жалолов Тошкент уқитувчи наш. 1996.
10. Ўзбек тили уқитиш матодикаси Ё. Ғуломов “Уқитувчи” Тошкент 1975.
11. Инглиз тили уқитиш методикаси Ў. Хошимов Тошкент 2003.
12. Суборник упражнение для работы в лингафонном кабинете 1 курс моссква «пруосвещение»
13. Баркамол авлод орзуси: Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш борасидаги тублиститик мулохазалар. Ислом Каримов Тошкент 1988.
14. Ватан ва халк мангу колади. Ислом Каримов 2010.
15. Мамлакат модернизатсия килиш ва иктисодиётимизни баркарор ривожлантириш йулида. Ислом Каримов 2008.

ИНТЕРНЕТ САИДЛАРИ:

1. WWW. Press. Servis. uz
2. WWW. Ziya net. uz
3. WWW. Jahon tivi. uz


КОНСПЕКТ

VI-синф

- I. Дарснинг мавзуси: L-on Kommt essen!
- II. Дарснинг мақсади:
 - A) Уқувчиларнинг оғзаки нутқини устириш
 - B) Табиатга ва она Ватанга муҳаббат. Овқатланиш маданиятига риоя қилиш.
 - C) Ўз фикрини мустақил баён қилиш ривожлантириш
- III. Услуб:
 - 1) Аудиовизуал метод.
 - 2) Сухбат.
 - 3) Мунозара.
- VI. Техник воситалар:
 - 1) Магнитофон
 - 2) Кассета
 - 3) Видео кассета
 - 4) Карточкалар

Дарснинг бориши:

- I. Ташкилий қисм: Синф навбатчисини ахбороти. Синфни дарсга тайёргарлиги
- II. Вазифани сураш: Уқувчилар таомнамада ёзилган овқатларни қуриб, нима Ёйишини нима ичишини сухбат ёки савол жавоб тарзида урганишади
- III. Янги мавзу ваёни:
 - Мавзу: L-10. Kommt essen!
 - Машқ №2 Диалогни тинглаб ва нукталар урнига тулдиринг
 - 1. Тинглашдан олдин мавзуга доир суратларни савол жавоб қилинади қурғазмали кеуроллардан фойдаланилади.



Сунгра диалогни икки ёки уч маротаба тингланади тинглаш пайтида текис мазмунини эътибор қаратилади

IV Мустахкамлаш:

1. Китобни ёпиб туриб, уқитувчи таркатган таркатма материалларда ёзилган диюкни гурух булиб бажарди
2. Диалог тузинг: (карточкаларида мавзуга оид ёзилган булади) жуфт жуфт булиб бажарилади
3. 11-машк. Wem schmeckt was?
Ёзма бажарилади

V Уйга вазифа:

Уз кафеси учун таомнома ёзиб келиш ва оғзаки баён килиш.